

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ШАРИПОВ ДАЛЕР КУЧКАРОВИЧ

САНОАТ ҲУДУДЛАРИДА АТМОСФЕРАНИНГ ИФЛОСЛАНИШИНИ
МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ ВА БАШОРАТЛАШ ТИЗИМИ МОДЕЛЛАРИ
ВА АЛГОРИТМЛАРИ

05.01.07 – Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

A/2523

574

А
Ш 26 Шарипов, Д. К.

техника

~~Саноат худудларида ат-
мосферанинг инфрасла-
нишини мониторинг ки-
лиш ва башаратлаш ти-
зими моделлари ва ал-
горитмлари : диссерта-
цияси автореф.~~

д

Contents

) on

Т., 2017

Б.ц

Шарипов Д
Саноат худ
башаратлаш

иш ва

3

A/2523

**ВОЗВРАТИТЕ КНИГУ НЕ ПОЗЖЕ
обозначенного здесь срока**

знения

19

nd

35

39

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ШАРИПОВ ДАЛЕР КУЧКАРОВИЧ

САНОАТ ҲУДУДЛАРИДА АТМОСФЕРАНИНГ ИФЛОСЛАНИШИНИ
МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ ВА БАШОРАТЛАШ ТИЗИМИ МОДЕЛЛАРИ
ВА АЛГОРИТМЛАРИ

05.01.07 – Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи

ТЕХНИКА ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2017

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Т8 рақам билан рўйхатга олинган.

А. С. 2017.1.10.18

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tuit.uz) ва "Ziyouet" Ахборот таълим порталида (www.ziyouet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Равшанов Нормакмад
техника фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Қобулов Анвар Восилевич
техника фанлари доктори, профессор

Нормуродов Чорн Бегалевич
физика-математика фанлари доктори

Ўтақчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги DSc.27.06.2017.Т.07.01 Илмий кенгашнинг 2017 йил «18» июль соат 17⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43, факс: (99871) 238-65-52, e-mail: tuit@tuit.uz).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 0536 рақам билан рўйхатга олинган. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-65-44).

Диссертация автореферати 2017 йил «06» июль кuni тарқатилди.
(2017 йил «06» июль даги 3 рақамли реестр баённомаси)



Хамдамов

Р. Ҳ. Ҳамдамов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ф. М. Нуралиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д.

М. А. Исмаилов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда жаҳонда аҳоли сонининг кўпайиши натижасида уларни озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлаш, ҳамда турмуш тарзини энгиллаштириш мақсадида янги корхоналар яратиш муҳим ўрин эгаллайди. Инсониятнинг бу борадаги ҳаракатлари туфайли охириги 20 йил ичида атмосферанинг ифлосланиш даражаси 30% га ошди. БМТ аъзолари томонидан 1997 йилда ер юзи экологиясини яхшилаш ва иқлим ўзгаришини олдини олиш мақсадида Японияда Киото баённомаси қабул қилинди. Киото баённомасига асосан 2015 йил 12 декабрда Париж келишуви имзоланди, унга кўра, «Европа Иттифоқи 1990 йилда атмосферага чиқарилган чиқинди миқдорини 2030 йилгача 40% га камайтиришни, йилига 5,9 млн тонна захарли чиқиндиларни атмосферага чиқарадиган АҚШ унинг миқдорини 2025 йилгача 28% га камайтиришни, Хитой давлати бўлса 2025 йилгача 4 барабар камайтиришни режалаштиришди».¹ Атмосферанинг ифлосланиш даражасини мониторинг қилиш ва башоратлаш учун бу жараёнларни математик моделлаштириш масаласининг долзарблиги намоён бўлади.

Республикаимиз мустақилликка эришгандан буён ишлаб чиқариш соҳаларининг жадал ўсиши баробарида хомашё билан таъминланганлик ва ишчи кучига, сонига қараб шаҳарларда ва ташкил этилган эркин индустриал зоналарда саноат корхоналарининг жойлаштирилиши ва қурилишига алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада, саноат ҳудудларидаги мавжуд экологик ҳолатнинг бузилиш эҳтимоли бўлган ва корхоналар томонидан атроф муҳитга чиқарилаётган зарарли моддаларнинг атмосферага тарқалиши жараёнини мониторинг қилиш ва башоратлаш математик моделлар ва сонли алгоритмлар яратишга бағишланган қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Жаҳон амалиётида атмосферасида зарарли моддаларнинг тарқалишини мониторинг қилиш ва янги объектларни оптимал жойлаштириш масалаларига доир математик моделлар яратиш, улар асосида ҳисоблаш алгоритмларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Олиб борилаётган мақсадли илмий-тадқиқот ишларида, жумладан, зарарли моддаларнинг атмосфера чегаравий қатламида тарқалиши жараёнига таъсир этувчи табиий-иқлимий омилларни ҳисобга олувчи математик моделлар яратиш, объектларни экологик жиҳатдан мақсадга мувофиқ равишда жойлашувини аниқлаб берувчи дастурлар мажмуаси ишлаб чиқиш, жараён динамикасини зарарли моддаларнинг рухсат этилган юқори концентрациялари нуқтаи назаридан визуаллаштириш каби зарурий аспектларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 27 июндаги ПҚ-1989-сон «Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси

¹ <http://rza.org.ua/news/read/Parizhsjkij-protokol-vместo-Kiotskogo.html>

«Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси фаолиятини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 21 апрелдаги ПҚ-2915-сон қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 майдаги 310-сон «Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисида низоми»га доир қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Атроф-муҳит ифлосланишига боғлиқ бўлган атмосферада зарarli моддаларнинг тарқалиши жараёнларини математик моделлаштириш услубиятини яратиш, муайян жараённи акс эттирувчи моделни куриш ва жараён параметрларини динамикада ўрганишнинг сонли тажриба усулларини тадқиқ этиш масалаларига бизнинг мамлакатимизда ва дунёда бажарилган тадқиқотларнинг катта мажмуи ва дастурлари ишлаб чиқилган. Атмосферада зарarli моддаларнинг тарқалиш жараёнлари буйича математик моделларни такомиллаштириш масалалари буйича A. Devastnale, W.W. Behrens, P. Speckman (AQШ), G.C. Miller, J.N. Seiber, J.M. Lafen, D.H. Medaws, J. Ronders, D. Simpson, M. Koiser, H.H. Shuger (Норвегия), R. Dvorak (Австрия), A. Prevot (Швецария), J. Orsamer (Бельгия), Г.И. Марчук М.И. Лунев, М.Е. Берлянд, В.М. Белолипецкая, Ю.И. Шокин, В.В. Пененко (РФ), Ф.Б. Абуталиев, Т. Юлдашев, С. Каримбердиева, А.Х. Бегматов, Ю.В. Петров каби чет эл ва мамлакатимиз олимлари илмий-тадқиқот ишларини олиб боришган.

Атмосферада зарarli заррачалар тарқалишининг математик модели баландлик буйича кўрсаткичларнинг ўртача қийматида ва шамол йўналиши x ўқига параллел олинган ҳолда М.И. Лунев, М.Е. Берлянд ишларида кўрилган. Масаланинг математик модели ва уч ўлчовли тенгламаларни сонли ечиш усуллари асосидаги натижалари Г.И. Марчук, М.И. Лунев, М.Е. Берлянд, В.М. Белолипецкая, Ю.И. Шокин, В.В. Пененко ишларида келтирилган. Қўйилган масалаларни сонли алгоритмлар ёрдамида ечиш усуллари С. Каримбердиева, А.Х. Бегматов, Ю.В. Петровларнинг илмий ишларида ишлаб чиқилган ва тадқиқ этилган.

Саноат худудлари атмосферасида зарarli моддаларнинг тарқалишини мониторинг қилиш ва башоратлашда, хусусан ҳаво оқимининг ер сатҳи билан ўзаро таъсирлашуви коэффицентининг турли қийматларида, зарarli моддаларнинг атмосферада ютилиши коэффицентининг мавсумий ва суткали ўзгариши, қаралаётган жараёнга чегаравий шартларнинг, жумладан жой рельефининг таъсирини ҳисобга олувчи такомиллаштирилган моделлар куриш ва улар асосида илмий изланишлар олиб бориш ҳозирги кунда етарли даражада кўрилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг ёки илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион марказининг илмий тадқиқот ишлари режасининг ФА-А17-Ф007-«Газ-транспорт, геотехнологик ва экологик тизимларда амал қилишнинг динамик режимини таҳлил қилиш ва қарор қабул қилиш учун объектга йўналтирилган дастурий маҳсулот ва маълумотлар базасини яратиш ва қўллаш» (2008-2011), ЕА7-001 «Саноат минтақаларининг экологик ҳолатини прогнозлаш ва мониторинг қилиш учун самарали ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий воситани яратиш» (2014-2015), ЎЗР ФА Математика институтининг А-5-12 «Саноат минтақаларининг экологик ҳолатини прогнозлаш ва мониторинги учун математик таъминотни яратиш» (2015-2017) мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади саноат ҳудудларининг экологик ҳолатини таҳлил этиш, мониторинг қилиш ва прогнозлаш, ҳамда атмосферада зарарли моддаларнинг тарқалишини ҳисобга олган ҳолда саноат объектларини оптимал жойлаштириш учун аниқ математик моделлар, сонли алгоритмлар ва дастурий мажмуани яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

иклим омиллари, зарарли моддаларнинг атмосферада ютилиши, ҳаво оқими ва чегара сирт орасидаги масса алмашинуви, жой орографияси ва бошқа қўшимча омилларни ҳисобга олган ҳолда зарарли моддаларнинг атмосферада тарқалиши жараёнининг математик моделларини тузиш ва такомиллаштириш;

тақсимлаш ва дифференциал-айирмалар усуллари асосида зарарли моддаларнинг атмосферада тарқалиши жараёнини ўрганиш учун самарали сонли алгоритмларни ишлаб чиқиш;

тескари масалани ечиш асосида атроф муҳитга чиқариб ташланаётган аэрозоллар манбаларини ҳисобга олган ҳолда саноат корхоналарини оптимал жойлаштириш масаласининг математик моделини такомиллаштириш;

ЭҲМ да сонли тажриба ўтқазини автоматизациялаш ва сонли натижаларни жадвал, график ва анимацион объект сифатида талқин этиш учун дастурий-инструментал мажмуа яратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида саноат объектлари ва ифлосланишнинг бошқа манбаларидан чиқаётган зарарли моддаларнинг атмосферада тарқалишининг ностационар жараёни қаралган.

Тадқиқот предметини математик моделлар, ҳисоблаш алгоритмлари ва компьютерларда сонли тажрибалар ўтқазини учун дастурий мажмуалар ташкил этишди.

Тадқиқот усуллари. Ишни бажариш жараёнида тизимли таҳлил, математик моделлаштириш, сонли усуллар ва тажрибадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

ер атмосфераси чегаравий қатламида зарарли моддалар тарқалиши жараёнининг математик модели доирасида янги: зарарли моддаларнинг атмосферада мавсумий ва суткалик циклда ютилиши, ҳаво оқими ва унинг пастки чегаравий сирти орасида дефляция зарралари билан алмашинуви ва жой орографияси омиллари киритилиб такомиллаштирилган;

жараёнининг математик модели иқлимга оид аниқ маълумотлардан фойдаланиш, шамол тезлиги ва турбулент алмашинув коэффициентларининг баландликка қараб ўзгаришини ҳисобга олиш асосида такомиллаштирилган;

зарарли моддаларнинг атмосферада тарқалиши жараёнини қаралаётган ҳудуд учун рухсат этилган юқори концентрациялари билан боғлиқ тарзда тавсифловчи тўғри ва тескари масалаларни ечиш, янги sanoat корхоналарини экологик жиҳатдан оптимал ўрнини аниқлаш имконини берувчи самарали сонли алгоритмлар ишлаб чиқилган;

зарарли моддаларнинг атмосферада тарқалиши жараёнининг шамол тезлиги ва йўналиши, уларнинг сутка давомида ўзгариши, турбулент алмашинув коэффициентининг баландликка қараб, ҳаво оқими ва пастки чегара орасидаги зарарли моддалар билан алмашинув коэффициенти ўзгариши билан боғлиқ хусусиятлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Оҳангарон-Олмалиқ-Ангрен sanoat ҳудуди экологик ҳолатининг ифлосланиш манбалари, шамол тезлиги ва йўналишининг йиллик ва суткалик ўзгариши, оқим тезлиги ва турбулент алмашинув коэффициентининг баландликка қараб ўзгариши ва жойнинг орографияси ҳисобга олинган ҳолда манзараси берилди. Юқорида санаб ўтилган омиллар ҳисобга олинганида Орол денгизининг қуриб қолган қисмида кечадиган дефляция жараёни хусусиятларини ўрганишининг йўллари кўрсатилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги зарарли моддаларнинг атмосферада тарқалиши тенграмаси ва унинг чегаравий шартлари масса сақланиш қонунига қатъий риоя қилиб шакллантирилгани билан асосланади. Сонли усуллардан фойдаланилганида аппроксимация аниқлиги ва ҳисоблаш жараёнининг яқинлашуви шартлари етарли даражада таъминланган. Олинган натижалар физика қонунларига зид эмас.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиш. Атмосферада зарарли моддаларнинг тарқалишини бўйича яратилган математик моделлар, алгоритмлар ва дастурий мажмуалар асосида:

sanoat региони экологик ҳолатини мониторинг қилиш ва башоратлаш мақсадида яратилган моделлар, сонли алгоритмлар ва дастурий комплекслари Табиатни муҳофаза қилиш бўйича Самарқанд ва Жиззах вилоятлари кўмитасида жорий этилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2017 йил 02 июндаги 24-8/3401-сон маълумотномаси). Илмий-тадқиқот натижалари sanoatли ҳудуднинг экологик ҳолатини олдиндан аниқлаш ва огоҳлантириш ҳисобидан иқтисодий самарадорликка эришилган;

шамоллар йўналиши вақт бўйича ўзгаришни, зарарли моддаларнинг энг охириги мумкин бўлган концентрацияси ва ҳудуд орографиясини ҳисобга

олган ҳолда саноат жойлашган ерлар экологик ҳолатини башоратлаш бўйича дастурий маҳсуллар Тошкент вилоятининг Ангрен, Олмалик ва Чирчиқ шаҳарларининг табиатни муҳофаза қилиш назорат бўлимларида жорий этилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2017 йил 02 июндаги 24-8/3401-сон маълумотномаси). Илмий-тадқиқот натижалари бўйича Охангарон водийсида яшайдиган аҳолисига саноат корхоналарнинг таъсири ва янги қўриладиган корхоналарни оптимал жойлаштириш ҳисобидан, экологик таъсири камайтиришни таъминлайди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 4 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тақиқот мавзуси бўйича жами 37 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола (6 та республика ва 4 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 114 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган ва ишнинг умумий таснифи, жумладан унинг тузилиши берилган.

Диссертациянинг «Атмосферанинг ер сатҳи чегаравий қатламида зарарли моддаларнинг тарқалиш жараёни тадқиқотларининг ривожланиши ва жараён математик моделини янги омилларни ҳисобга олиш орқали такомиллаштириш» деб номланган биринчи боби уч параграфдан иборат бўлиб, унда иш мавзусига оид тадқиқотларнинг қисқа таҳлили ва зарарли моддаларнинг атмосферада кўчиши ва тарқалиши моделининг янги омилларни ҳисобга олувчи модификациялари келтирилган.

Биринчи параграфда математик моделлаштириш услубияти, сонли усуллар ва зарарли моддаларнинг атмосферада диффузион ва конвектив кўчишига доир тадқиқотларнинг натижалари муҳокама этилган, атмосфера ва унинг қуйи чегаравий сиртининг экологиясига доир масалаларни математик моделлаштириш, сонли ечиш усуллари ва дастурий воситалари ишлаб чиқишнинг ривожланиш тенденциялари аниқланган. Ушбу таҳлилий тадқиқотлар асосида диссертация ишида ечилиши кўзда тутилган асосий масалалар шакллантирилган.

Иккинчи параграфда ўрганилаётган жараённинг зарарли моддаларнинг атмосферада ютилиши, ҳаво массаси ва ер сирти орасидаги заррачалар билан масса алмашинуви омилларини ҳисобга олувчи математик модели таклиф

этилган. $D=(0 < x < L_x, 0 < y < L_y, 0 < z < L_z, t > 0)$ соҳада зарарли моддалар кўчиши ва диффузияси тенгламаси куйидагича қабул қилинди:

$$\begin{aligned} \frac{\partial \theta(x, y, z, t)}{\partial t} + u \frac{\partial \theta(x, y, z, t)}{\partial x} + v \frac{\partial \theta(x, y, z, t)}{\partial y} + (w - w_r) \frac{\partial \theta(x, y, z, t)}{\partial z} + \\ + \sigma \theta(x, y, z, t) = \mu \left(\frac{\partial^2 \theta(x, y, z, t)}{\partial x^2} + \frac{\partial^2 \theta(x, y, z, t)}{\partial y^2} \right) + \\ + \frac{\partial}{\partial z} \left(k(z) \frac{\partial \theta(x, y, z, t)}{\partial z} \right) + \delta(x, y, z) I(x, y, z, t). \end{aligned} \quad (1)$$

Бошланғич ва чегаравий шартлар куйидагича шакллантирилди:

$$\theta(x, y, z, 0) = \theta_0(x, y, z), \quad (2)$$

$$\theta(x, y, z, t) \Big|_{x=0, x=L_x} = \theta(x, y, z, t) \Big|_{y=0, y=L_y} = 0, \quad (3)$$

$$z = 0 \text{ да } -k(z) \frac{\partial \theta(x, y, z, t)}{\partial z} = \beta(x, y) \theta(x, y, z, t), \quad (4)$$

$$z = L_z \text{ да } k(z) \frac{\partial \theta(x, y, z, t)}{\partial z} = 0. \quad (5)$$

Бу ерда $\theta(x, y, z, t)$ – тарқалаётган модда концентрацияси; t – вақт; x, y, z – декарт координаталари; u, v, w – тезлик векторининг x, y, z йўналишлари мос ташкил этувчилари; w_r – заррачаларнинг чўкиш тезлиги; k – турбулент алмашинув коэффициентини; μ – диффузия коэффициентини; σ – зарарли модданинг атмосферада ютилиши коэффициентини; β – ер устки қатлами билан ўзаро масса алмашинуви коэффициентини; $I(x, y, z, t)$ – манбааларнинг Дирак δ -функцияси ёрдамида бериладиган кувватлари.

Заррачаларнинг чўкиш тезлиги ва диффузия коэффициентини учун формулалар келтирилган. Ҳаво оқими тезлиги ва турбулент алмашинув коэффициентининг хусусиятлари муҳокама этилган. Моделда масса алмашинуви коэффициентининг ўзгармас $\beta = const$ ва ўзгарувчан $\beta = \beta(x, y)$ қийматларидан фойдаланиш мумкин. Бунда $\beta=0$ заррачаларнинг қаттиқ сиртга тушиши ва $\beta=1$ эса сув сиртига тушишига мос келади.

Учинчи параграфда зарарли моддаларнинг ерусти атмосфера чегаравий қатламида тарқалишининг заррачаларнинг қия текисликдан олиб кетилиши, шамол тезлиги ва турбулент алмашинув коэффициентининг баландликка боғлиқ ўзгаришларини ҳисобга олувчи математик модели таклиф этилган. Бу ҳолда ер сиртига мос чегаравий шарт куйидагича қабул қилинди:

$$z=0 \text{ да } k_x \frac{\partial \theta(x, y, z, t)}{\partial z} = -w_x \sin \alpha \theta(x, y, z, t) + \beta \theta(x, y, z, t) - I_0(x, y, z).$$

Бу ерда $w_x \sin \alpha$ – ҳаво массаси томонидан кўтариб кетилаётган заррачанинг вертикал тезлиги. Жараён математик моделининг асосий параметрлари даржали функциялар кўринишида қабул қилинди:

$$u(z, t) = |v_1| \left(\frac{z}{z_1} \right)^n \cos \beta, \quad v(z, t) = |v_1| \left(\frac{z}{z_1} \right)^n \sin \beta, \quad w(z, t) = |v_1| \left(\frac{z}{z_1} \right)^n,$$

$$k(z, t) = k_0(z, t) + \bar{k}(z, t), \quad \mu(z, t) = \bar{\mu} |v(z, t)|,$$

ва бунда $|v_1|$ – шамол тезлигининг $z=1$ м баландликдаги абсолют қиймати.

Шамол тезлиги ва йўналишини ифодалаш учун $V_n = v(z_2) / v(z)$, $v(z) = \sqrt{u(z)^2 + v(z)^2}$ ёрдамчи функциялар киритилди ва масса сақланиши тенгламаси куйидаги кўринишда ёзилди:

$$V_n \frac{\partial \theta(x, y, z, t)}{\partial t} + v(z_2) \cos \alpha(z) \frac{\partial \theta(x, y, z, t)}{\partial x} + v(z_2) \sin \alpha(z) \frac{\partial \theta(x, y, z, t)}{\partial y} + V_n (w - w_x) \frac{\partial \theta(x, y, z, t)}{\partial z} + V_n \sigma \theta(x, y, z, t) = V(z_2) \mu \left(\frac{\partial^2 \theta(x, y, z, t)}{\partial x^2} + \frac{\partial^2 \theta(x, y, z, t)}{\partial y^2} \right) + V_n \frac{\partial}{\partial z} \left(k(z) \frac{\partial \theta(x, y, z, t)}{\partial z} \right) + V_n \delta(x, y, z) I(x, y, z, t).$$

Биринчи бобнинг охириги параграфида зарарли моддаларнинг кўчиши ва тарқалиши жараёнларининг математик модели чегаравий шартларнинг умумий кўринишида, жой орографиясини ҳисобга олиб қурилган. Бунда тенглама куйидаги кўринишга эга бўлди:

$$\frac{\partial \theta(x, y, z, t)}{\partial t} + \frac{\partial}{\partial x} (u h \theta(x, y, z, t)) + \frac{\partial}{\partial z} ((w - w_x) h \theta(x, y, z, t)) + \sigma \theta(x, y, z, t) h = \mu \frac{\partial}{\partial x} \left(h \frac{\partial \theta(x, y, z, t)}{\partial x} \right) + \mu \frac{\partial}{\partial y} \left(h \frac{\partial \theta(x, y, z, t)}{\partial y} \right) + \frac{\partial}{\partial z} \left(k(x) h \frac{\partial \theta(x, y, z, t)}{\partial z} \right) + \delta_{i,j,k} I(x, y, z, t).$$

(3)-(4) шартлар биринчи, иккинчи ва учинчи жинсли чегаравий шартларга мос, жойнинг орографиясини ҳисобга оладиган кўринишда қабул қилинди:


$$\alpha_1 (\theta(x, y, z, t) - \theta_{II}) \Big|_{z=0} + \beta_1 \frac{\partial \theta}{\partial x} \Big|_{z=0} = 0, \quad \alpha_2 (\theta(x, y, z, t) - \theta_{II}) \Big|_{z=L_z} + \beta_2 \frac{\partial \theta}{\partial x} \Big|_{z=L_z} = 0,$$

$$\alpha_3 (\theta(x, y, z, t) - \theta_{II}) \Big|_{y=0} + \beta_3 \frac{\partial \theta}{\partial y} \Big|_{y=0} = 0, \quad \alpha_4 (\theta(x, y, z, t) - \theta_{II}) \Big|_{y=L_y} + \beta_4 \frac{\partial \theta}{\partial y} \Big|_{y=L_y} = 0,$$

$$k(x) \frac{\partial \theta}{\partial z} - h\beta\theta = -hI_0 \text{ при } z = 0.$$

Параметрлар $\alpha_1, \alpha_2, \alpha_3, \alpha_4, \beta_1, \beta_2, \beta_3, \beta_4$ нинг қийматлари масаланинг қуйилишига қараб берилди ва улар 0 ёки 1 ни ташкил этишади.

Жойнинг орографияси $h(x, y, z)$ параметри орқали берилди. Агар қатлам ер сатҳидан пастда бўлса унинг қиймати 0 га, қатлам атмосферада бўлса 1 га ва қатлам чегара балан бир сатҳда бўлса $(\eta - z_{k-0.5})/\Delta z$ га тенг қилиб қабул қилинади. Бу ерда η – қатламнинг денгиз сатҳидан баландлиги; $\Delta z = z_{k+0.5} - z_{k-0.5}$. Моделнинг ҳар бир қатлами учун ҳаво оқимининг ғўхтатилишини ифодаловчи h ($0 \leq h \leq 1$) кўпайтувчи киритилди (1-расм).



1-расм. Аэрозол ташландиқлар кўчиши йўналишида жойнинг рельефи.

■ – $h = (\eta - z_{k-0.5})/\Delta z$, □ – $h = 0$, ▨ – $h = 1$, ▩ – орография сирти

Кўп йиллик маълумотларга статистик ишлов бериш асосида зарарли моддаларнинг атмосферада ютилиши катталигини ифодаловчи синусоидал муносабат олинди:

$$\sigma(t) = \sigma_0 + \Delta\sigma \sin\omega t.$$

Бунда σ_0 – модданинг атмосферада ютилиши коэффициентининг ўртача суткалик қиймати; $\Delta\sigma$ – коэффициент ўзгаришининг суткалик амплитудаси; ω – ўзгаришнинг суткалик циклик частотаси.

Бундан кейин биринчи бобнинг асосий хулосалари келтирилган.

«Аэрозоллар ва зарарли моддаларнинг атмосферада тарқалиши ностационар жараёнларини сонли моделлаштириш» деб номланган иккинчи боб аэрозоллар ва зарарли моддаларнинг уч ўлчовли атмосфера

турбулент чегаравий қатламида тарқалиши ностационар масалаларини ечиш учун ишлаб чиқилган сонли усулларга бағишланган.

Биринчи параграфда зарарли моддаларнинг атроф муҳитда тарқалиши ностационар жараёнининг сонли моделини куришда каср қадамлар усули ва «оқимга қарши» схеманинг ютуқларидан фойдаланилди. Бу учун тенглама (1) операторлар ёрдамида ёзиб олинди:

$$\frac{\partial \theta(x, y, z, t)}{\partial t} + \sigma \theta(x, y, z, t) = (L_1 + L_2 + L_3) \theta(x, y, z, t) + \delta I,$$

бу ерда

$$L_1 \theta = -u \frac{\partial \theta(x, y, z, t)}{\partial x} + \mu \frac{\partial^2 \theta(x, y, z, t)}{\partial x^2}, \quad L_2 \theta = -v \frac{\partial \theta(x, y, z, t)}{\partial y} + \mu \frac{\partial^2 \theta(x, y, z, t)}{\partial y^2},$$

$$L_3 \theta = -(w - w_x) \frac{\partial \theta(x, y, z, t)}{\partial z} + \frac{\partial}{\partial z} \left(k(z) \frac{\partial \theta(x, y, z, t)}{\partial z} \right).$$

Масала $t = n \Delta t$ вақтнинг ҳар бир қадамида уч босқичда ечилди.

Вақтнинг каср қадамлар учун аппроксимация қуйидагича бўлди:

$$\frac{\theta^{n+1/3} - \theta^n}{\Delta t/3} + \sigma \theta^{n+1/3} = L_1 \theta^{n+1/3} + (L_2 + L_3) \theta^n + I^{n+1/3},$$

$$\frac{\theta^{n+2/3} - \theta^{n+1/3}}{\Delta t/3} + \sigma \theta^{n+2/3} = L_2 \theta^{n+2/3} + (L_1 + L_3) \theta^{n+1/3},$$

$$\frac{\theta^{n+1} - \theta^{n+2/3}}{\Delta t/3} + \sigma \theta^{n+1} = L_3 \theta^{n+1} + (L_1 + L_2) \theta^{n+2/3}.$$

x ва y координаталар бўйича ўзгармас, баландлик z бўйича эса ўзгарувчан $\Delta z_l = z_l - \Delta z_{l-1}$ ($l=1, 2, \dots, K$) қадамлардан фойдаланилди. Жадвалда $k(z)$ нинг баландликдан боғлиқ ўзгариши келтирилмоқда.

Турбулент алмашинув коэффициенти k нинг z га боғлиқ ўзгариши

z	0,5	50	100	150	200	250	300	350	400	500	600	700	800	900	1000
$k(z)$	0,01	0,01	0,012	0,013	0,014	0,015	0,017	0,02	0,022	0,03	0,035	0,04	0,05	0,055	0,06

Конвектив ҳадларни аппроксимациялаш учун А.А.Самарскийнинг «оқимга қарши» схемасидан фойдаланилди. Хусусий ҳолда, биринчи каср қадамда қувиш жараёнини аниқлаб берувчи оператор қуйидагича ёзилди:

$$(L_1 \theta)_i^{n+1/3} = \left(\frac{\mu^{n+1/3}}{\Delta x^2} + \frac{|u_i^{n+1/3}| + u_i^{n+1/3}}{2\Delta x} \right) \theta_{i-1}^{n+1/3} - \left(\frac{2\mu^{n+1/3}}{\Delta x^2} + \frac{|u_i^{n+1/3}|}{\Delta x} \right) \theta_i^{n+1/3} +$$

$$+ \left(\frac{\mu^{n+1/2}}{\Delta x^2} + \frac{|u_i^{n+1/2}| - u_i^{n+1/2}}{2\Delta x} \right) \theta_{i+1}^{n+1/2}.$$

Чекли айирмали тенгламалар матрица шаклига келтирилди ва маълум қувиш усули ёрдамида ечилди. Юқорида таклиф этилган алгоритмлар асосида дастурлар мажмуаси ишлаб чиқилган ва ЎЗР Интеллектуал мулк агентлигида қайд этилган.

Иккинчи параграфда зарарли моддаларнинг атмосферада тарқалиши жараёнини прогноزلаш масаласини шамол тезлиги ва турбулентлик коэффициентининг баландликка боғлиқ ҳолида ечиш учун ишлаб чиқилган дифференциал-айирмалар усулига асосланган алгоритми келтирилган.

Қуйилган масалани ечиш учун x ва y координатлари бўйича тўғри чизиқ усули жорий этилиб, монотон ярим ошкор схемалари фойдаланилган: тенглама конвектив ҳадларининг коэффициентлари вақтнинг олдинги $t=t_n$ қадамига мос, қолган ҳадлар учун эса қаралаётган t_{n+1} вақтга мос қабул қилинган. Фундаментал ва диагональ матрицаларнинг элементларини ҳисоблаш формулалари В.Н.Фаддеева ва С.Каримбердиеваларнинг ишларидан олинган. Матрица кўринишидаги тенгламадан автоном тенгламаларга ўтиш имконини берувчи, одатдаги номаълум функциядан ёрдамчи функцияга ўтиш усули ёритилган.

Тенглама коэффициентларининг баландликдан боғлиқлиги туфайли z координата бўйича ўзгарувчан кадам, одатдаги тўғри ва тесқари қувиш усулларида фойдаланилди. Параграф охирида фундаментал матрица ёрдамида изланалаётган функциядан ёрдамчи функцияга ўтиш ва қайта ўтиш учун формулалар келтирилган.

Учинчи параграфда «Жой орографиясини гипотетик ҳисобга олганда атмосфера ерусти чегаравий қатламида зарарли моддаларнинг кўчиши ва диффузияси жараёнлари масаласини ечиш учун ўзгарувчан йўналишлар усулининг модификацияси» келтирилган.

Агар бобнинг биринчи параграфиди ўзгарувчан йўналишлар усулида ошқормас аппроксимация схемасидан фойдаланилган бўлса, бу параграфда икки қатламли, 0.5 вазли схемадан фойдаланилди. Ўзгарувчан йўналиш усулининг бу параграфда таклиф этилган модификациясининг афзаллиги шундан иборатки, тенглама ва унинг чегаравий шартларининг аппроксимацияси ҳам вақт ва ҳам фазовий координаталар бўйлаб иккинчи тартибли аниқликка эга.

Ушбу алгоритм асосида ишлаб чиқилган дастур таркибига умумий фойдаланиладиган SRTM маълумотлари асосида турли таснифлаш даражасига эга рельеф карталарни тузиш, обу ҳаво веб-сервислари томонидан юборилаётган реал маълумотлардан фойдаланишга йўл очувчи модулар киритилган. Яратилган дастурий восита қаралаётган жараённи реал вақт масштабида мониторинг этиш ва прогноزلаш имконига эга.

Параграф охирида математик модель параметрларининг турли қийматларида Оҳангарон-Олмалик-Ангрен худуди учун обу ҳаво ва клим

шароитига мос, худуд рельефи ҳисобга олинмаган ва олинган ҳоллар учун ўтказилган сонли тажрибанинг натижаларидан намуналар келтирилган.

Бобнинг хулосаларида масалаларни ечишнинг иккинчи бобда ишлаб чиқилган сонли алгоритмларининг асосий хусусиятлари санаб ўтилган.

Ишнинг «Аэрозоль ташландикларнинг атмосферада кўчиши ва диффузиясининг асосий ва тескари масаласи» номли икки параграфдан иборат учинчи боби кўчиш ва диффузия жараёнининг асосий ва тескари масалалари учун, шунингдек атмосферага аэрозолли чиқиндиларни тарқатувчи саноат объектларини оптимал жойлаштиришнинг математик моделларини ва ЭХМда ҳисоблаш тажрибасини ўтказиш имконини берувчи сонли алгоритмларни ишлаб чиқишга бағишланган.

Асосийга тескари масала куйидагича шакллантирилган:

$$\begin{aligned} & -\frac{\partial \theta^* (x, y, z, t)}{\partial t} - u \frac{\partial \theta^* (x, y, z, t)}{\partial x} - v \frac{\partial \theta^* (x, y, z, t)}{\partial y} - w \frac{\partial \theta^* (x, y, z, t)}{\partial z} + \sigma \theta^* = \\ & = \frac{\partial}{\partial z} \left(k \frac{\partial \theta^* (x, y, z, t)}{\partial z} \right) + \mu \left(\frac{\partial^2 \theta^* (x, y, z, t)}{\partial x^2} + \frac{\partial^2 \theta^* (x, y, z, t)}{\partial y^2} \right) + P(x, y, z, t), \end{aligned} \quad (6)$$

$$x = 0 \text{ ва } y = 0 \text{ да } -\mu \frac{\partial \theta^* (x, y, z, t)}{\partial x} = (\theta^* (x, y, z, t) - \theta_0^* (x, y, z, t)), \quad (7)$$

$$x = L_x \text{ ва } y = L_y \text{ да } \mu \frac{\partial \theta^* (x, y, z, t)}{\partial x} = (\theta^* (x, y, z, t) - \theta_0^* (x, y, z, t)), \quad (8)$$

$$z = z_0 \text{ да } \frac{\partial \theta^* (x, y, z, t)}{\partial z} = \beta \theta^* (x, y, z, t), \quad (9)$$

$$z = H \text{ да } \frac{\partial \theta^* (x, y, z, t)}{\partial z} = 0, \quad (10)$$

$$\theta^* (\bar{r}, T) = \theta^* (\bar{r}, 0), \quad \bar{r} = (x, y, z). \quad (11)$$

Агар вақт йўналиши тескари бўлиши ҳисобга олинмаса, боғланган (6)-(11) масалани ечиш усули асосий масалани ечиш усулидан деярли фарқ қилмайди. Вақтнинг бошланғич қиймати $t=T$ ни ташкил этади ва t нинг камайиши томонига давом этади. Эркин ўзгарувчи t ни $t' = T - t$ га ва $u' = -u$, $v' = -v$, $w' = -w$ алмаштиришлар билан масалани асосий масала кўринишига келтириш мумкин.

Қаралаётган худудга тегишли $\bar{r}_0 \in D$ нуктада жойлашган саноат объекти учун шу нукта координаталаридан параметрик боғлиқ бўлган $Y_D^*(\bar{r}) = \int_0^T \theta^*(\bar{r}_0, t) dt$ функционални киритамиз. Бу функционал ёрдамида куйидаги функцияни аниқлаш мумкин:

$$Y^*(\bar{r}) = \min_{\bar{r}_0 \in D} Y_D^*(\bar{r}_0).$$

Бу ерда \bar{r}_0 минималлашув нуқтасини ташкил этади.

Ташлаш баландлиги h ни ҳисобга олиб, $Y_p(x, y, h)$ функция майдонини куриш лозим. Натижада (x, y) текислигида $Y'(x, y, h) = \text{const}$ ўзгариш майдони ҳосил бўлади ва ундан зарарланишнинг санитар меёрларига мос келувчи D_0 соҳани топиб оламиз.

Ишлаб чиқилган модель ва мос сонли алгоритм дастурий комплекс тарзида мужассамлаштирилди ва у минималлаштирувчи функционални $Y_p(x, y, h)$, $Y(x, y, h)$ ҳисоблашга имкон яратади, шу билан бирга, янги саноат объектнинг ифлослантириш энг кам бўладиган мақсадга мувофиқ жойлашувини аниқлаб беради.

Диссертациянинг тўртинчи «Аэрозоль ташландикларнинг атмосферада тарқалиши жараёнини мониторинг этиш ва прогнозлаш учун дастурий таъминот» боби уч параграфдан иборат бўлиб, унда изланувчи томонидан ишлаб чиқилган дастурий маҳсулотларнинг тавсифи ва функционал имкониятлари ёритилган.

Биринчи параграфда «Объекта йўналтирилган «Аэрозоль» дастурининг тузилиши ва функционал имкониятлари келтирилган». Унинг асосий ишчи ойнаси 2-расмда келтирилган.

Ойнадаги маълумотлар дастурнинг кўшимча функционал имкониятларини намойиш этади: «Карта», «Маълумотларни киритиш», «Берилганларни ҳисоблаш», файллар ўқиб олинadиган соҳалар ва берилган жой географик харитасини танлаш.

Ввод исходных данных

Имя файла карты местности:

Область исследования (км) по X: км по Y: км по Z: км

Разделение на отрезки по X: по Y: по Z:

Активная область по X: до по Y: до по Z: до

Назначение источника:

Высота по умолчанию:

Скорость ветра (м/с):

Направление ветра:

Период осадков (час):

Долгое время для поиска:

Длина по источнику:

Климатический источник:

Номер источника:

Расположение по X:


Расположение по Y:

Расположение по Z:

Идентификация источника:

2-расм. Берилган вақтда маълумотлар киритиш учун диалог ойнаси

Олиб борилган сонли ҳисоблаш натижалари турли ранглардаги сиртлар кўринишида тоза майдонда ёки жой харитаси фонида намоиш этилиши мумкин (3-расм). Харитали кўринишни олиш учун «Карта» функционал тугмасини босиш kifоя.



3-расм. Зарарли моддалар концентрацияси тарқалиши
 а) жой харитасисиз; б) жой харитаси билан

Шунингдек, натижаларни ҳисоб тўрининг баландликларига мос кесимида ва вертикал кесимда, зарарли моддаларни чиқариб ташлаш жадаллиги турлича бўлган бир ёки бир неча манбалар учун тасвирлаш имкони мавжуд.

ХУЛОСА

«Саноат ҳудудларида атмосферанинг ифлосланишини мониторинг қилиш ва башоратлаш тизими моделлари ва алгоритмлари» мавзусидаги докторлик диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ишда кўрсатилган омилларнинг ҳисобга олиниши, жумладан метеорологик тавсифлар, ернинг рельефи ва унинг чегаравий қатлами тавсифлари атмосферада аэрозолли чикиндилар тарқалишини адекват ифодаловчи математик моделларни яратишга имкон яратди.

2. Ўтказилган ҳисоблашлар натижаларидан аниқландики, аэрозолларнинг кўчиши ва диффузияси жараёнига таъсир қилувчи асосий омиллар – атмосферадаги ҳаво оқими тезлиги ва йўналиши, моддаларнинг атмосферада ютилиши, оқим билан ер сатҳи орасидаги масса алмашинуви, зарарли моддаларнинг манбаси қуввати ва координаталаридир.

3. Ҳисоблаш тажрибалари ҳудуд рельефи ўзгаришининг шамол тезлиги ва йўналишини, турбулентликнинг кўчиши ва йўналишининг қийматини аниқлаб беришнинг курсатди. Табиий тепаликлар устида зарарли моддалар кўчиши жадал бериши аниқланди.

4. Сонли тажриба натижаларига кўра, аэрозоль заррачаларнинг атмосферада максимал ютилиши куннинг тонги ва кечки пайтларига тўғри келади. Саноат объектларидан чиқариб ташланаётган зарarli моддалар концентрациясининг атмосферада суткалик ўзгариши айнан ютилиш омили туфайли вужудга келади.

5. Кўрилаяётган худудда янги саноат объектларининг оптимал жойлаштирилиши масаласини ечиш учун математик модель ва атмосферада аэрозолли чиқиндиларнинг диффузияси ва кўчишининг асосий ва тескари масалалари учун сонли алгоритмлар ишлаб чиқилди ва уларнинг икки томонламали эканлиги исботланди.

6. Яратилган дастурий таъминот ҳисоблаш жараёнида гидрометеорологик ва географик маълумотлардан бевосита фойдаланиш ва натижаларни динамик режимда визуаллаштириш имконига эга.

7. Ишлаб чиқилган математик модель модификациялари, сонли алгоритмлар ва дастурий воситалар Олмалик, Оҳангарон, Ангрен шаҳарлари саноат худудида корхоналаридан чиқариб ташланаётган зарarli моддаларнинг тарқалиши ва Орол денгизининг қуриган майдонларидан тузчанг зарраларнинг деяцияси ва атмосферада тарқалиши жараёнлари хусусиятларини ўрганишга жорий этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Т.07.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

**ТАШКЕНТСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ ИНФОРМАЦИОННЫХ
ТЕХНОЛОГИЙ**

ШАРИПОВ ДАЛЕР КУЧКАРОВИЧ

**МОДЕЛИ И АЛГОРИТМЫ СИСТЕМ МОНИТОРИНГА И
ПРОГНОЗИРОВАНИЯ ЗАГРЯЗНЕНИЯ АТМОСФЕРЫ В
ПРОМЫШЛЕННЫХ РЕГИОНАХ**

05.01.07 – Математическое моделирование. Численные методы и комплексы программ

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2017.1.PhD/Т8

Диссертация выполнена в Ташкентском университете информационных технологий.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.tuit.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyounet.uz).


- Научный руководитель:** Равшанов Нормакмад
доктор технический наук
- Официальные оппоненты:** Кабулов Анвар Восялович
доктор технический наук, профессор
Нормуродов Чорн Бегалевич
доктор физико-математических наук
- Ведущая организация:** Самаркандский государственный университет

Защита диссертации состоится «__» _____ 2017 г. в __ часов на заседании научного совета DSc.27.06.2017.T.07.01 при Ташкентском университете информационных технологий. (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского университета информационных технологий (регистрационный номер №__). (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-65-44).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2017 года.
(реестр протокола рассылки №__ от «__» _____ 2017 года.)




Р.Х.Хамдамов
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

Ф.Нуралиев
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н.

М.Исмаилов
Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
ученых степеней д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Мировая динамика прироста населения обуславливает возрастающую потребность в пище, одежде и прочих продуктах, обеспечивающих жизнедеятельность человека, а также создание новых предприятий с целью облегчения его быта. В результате активной хозяйственной деятельности за последние 20 лет постоянный уровень загрязнения атмосферы увеличился на 30%. В целях улучшения экологии планеты и предотвращения отрицательных изменений климата странами-участницами ООН в 1997 году в г. Киото (Япония) был принят протокол, получивший развитие в рамках Парижского соглашения от 12 декабря 2015 года. Согласно этому протоколу, «страны Евросоюза, на долю которых объем выбрасываемого в атмосферу загрязнения в 1990 году составил 5,9 млн. тонн, планировали до 2030 года объемы выброса сократить на 40 %, в США до 2025 года - на 28 %, а в КНР – в 4 раза».² В связи с этим усилия в области математического моделирования, мониторинга и прогнозирования степени загрязнения атмосферы приобретают все большую актуальность.

В годы независимости в нашей республике наряду с интенсивным развитием отраслей производства, особое внимание уделяется обеспечению отраслей производства сырьем, рабочей силой, размещению и возведению промышленных предприятий в городах и вновь образованных свободных индустриальных зонах. В этой связи, проведен ряд исследований по возможным нарушениям экологического баланса в промышленных регионах и разработке математических моделей и численных алгоритмов по мониторингу и прогнозированию процессов распространения вредных веществ в атмосфере, выбрасываемых предприятиями в окружающую среду.

В мире разработка математических моделей и численных алгоритмов на основе мониторинга и прогнозирования процессов распространения вредных веществ в атмосфере и оптимального размещения новых производственных мощностей имеет важное значение. В проводимых целевых исследованиях особое внимание уделяется таким аспектам, как разработка математических моделей процесса распространения вредных веществ в приземном атмосферном пограничном слое с учетом природных и климатических факторов, создание программных комплексов, позволяющих определить оптимальное, с точки зрения экологии, размещение объектов и визуализация результатов расчетов с учетом наибольшей допустимой концентрации вредных веществ.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Постановлением Президента Республики Узбекистан от 27 июня 2013 года №ПП-1989 «О мерах по дальнейшему развитию Национальной информационно-коммуникационной системы Республики Узбекистан», Указом Президента Республики

² <http://rza.org.uz/news/read/Parizhskij-protokol-vmesto-Kiotskogo.html>

Узбекистан от 21 апреля 2017 года №УП-5024 «О совершенствовании системы государственного управления в сфере экологии и охраны окружающей среды», Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 23 мая 2017 года №310 «Об утверждении Положения о Государственном комитете Республики Узбекистан по экологии и охране окружающей среды».

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики IV. «Информатизация и развитие информационно-коммуникационных технологий».

Степень изученности проблемы. В нашей стране и за рубежом разработаны многочисленные комплексы и программы, основанные на методологии моделирования процесса распространения вредных веществ, разработке модели конкретного случая и позволяющие изучить влияние параметров на процесс на основе методов вычислительного эксперимента. Вопросы усовершенствования математических моделей процесса распространения вредных веществ в атмосфере затрагиваются в работах таких зарубежных и отечественных ученых, как А. Devastnale, W.W. Behrens, P. Speckman (США), G.C. Miller, J.N. Seiber, J.M. Laflen, D.H. Medaws, J. Ronders, D. Simpson, M. Koiser, H.H. Shuger (Норвегия), R. Dvorak (Австрия), A. Prevot (Швейцария), J. Opsamer (Бельгия), Г.И. Марчук, М.И. Лунев, М.Е. Берлянд, В.М. Белолипецкая, Ю.И. Шокин, В.В. Пененко (РФ), Ф.Б. Абуталиев, Т. Юлдашев, С. Каримбердиева, А.Х. Бегматов, Ю.В. Петров (РУз).

В работах М.И. Лунева и М.Е. Берлянда математическая модель распространения вредных веществ в атмосфере рассмотрена с учетом средних значений параметров по высоте, а направление ветра совпадает с направлением оси x . Методами численного решения трехмерных уравнений математической модели получены результаты в работах Г.И. Марчука, М.И. Лунева, М.Е. Берлянда, В.М. Белолипецкой, Ю.И. Шокина, В.В. Пененко. Алгоритмы численного решения задач предложены и исследованы в работах С. Каримбердиевой, А.Х. Бегматова, Ю.В. Петрова и др.

Разработка усовершенствованных моделей для мониторинга и прогнозирования распространения вредных веществ при различных значениях коэффициента взаимодействия воздушного потока с подстилающей поверхностью, с учетом сезонного и суточного характера коэффициента поглощения вредных веществ в атмосфере, граничных условий задачи, в том числе рельефа местности, изучена недостаточно.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного или научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках НИР Научно-инновационного центра информационно-коммуникационных технологий при

Ташкентском университете информационных технологий и Института математики АН РУз, в частности, по проектам: ФА-А17-Ф007 «Разработка и внедрение объектно-ориентированных программных продуктов и баз данных для анализа динамического режима функционирования и принятие решения в газотранспортных, геотехнологических и экологических системах» (2008-2011 гг.); ЕА7-001 «Разработка эффективных вычислительных алгоритмов и программного средства для мониторинга и прогнозирования экологического состояния промышленных регионов» (2014-2015 гг.); А-5-12 «Разработка математического обеспечения мониторинга и прогнозирования экологического состояния промышленных регионов» (2015-2017 гг.) и др.

Целью исследования является разработка конкретных математических моделей, численных алгоритмов и программного комплекса для анализа, мониторинга и прогнозирования экологического состояния экологических регионов, а также оптимального размещения промышленных объектов с учетом процесса распространения вредных веществ в атмосфере.

Задачи исследования:

разработка и усовершенствование математических моделей процесса распространения вредных веществ в атмосфере с учетом климатических факторов, поглощения вредных веществ атмосферой, орографии местности и других дополнительных факторов;

разработка эффективных численных алгоритмов для изучения процесса распространения вредных веществ в атмосфере на основе методов расщепления и дифференциально-разностного метода;

усовершенствование математической модели оптимального размещения промышленных объектов с учетом сосредоточенных источников аэрозольных выбросов в окружающую среду на основе решения сопряженной задачи;

разработка программно-инструментального комплекса для автоматизации проведения вычислительных экспериментов на ЭВМ и интерпретации результатов численных расчетов в виде табличных, графических и анимационных объектов.

Объектом исследования является нестационарный процесс распространения вредных веществ в атмосфере, выбрасываемых из промышленных объектов и других источников загрязнения.

Предмет исследования – математические модели, вычислительные алгоритмы и программный комплекс для проведения вычислительного эксперимента на ЭВМ.

Методы исследования. В ходе исследовательской работы использованы методы системного анализа, математического моделирования, численные методы и вычислительный эксперимент.

Научная новизна исследования:

